O`zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog`ot tumani
**H O K I M I**
**Q A R O R I**

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
**Ҳ О К И М И**
**Қ А Р О Р И**

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март № 507и Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Саидов Аллашкурга Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Тикувчилик цехи” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов Аллашкурнинг Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Тикувчилик цехи” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-С-413-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2019 йил 28 сентябрдаги № 5833к-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги 559-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 170,78 квадрат метр, умумий ер майдони 375,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган «Тикувчилик цехи» биноси фуқаро Саидов Аллашкурга ушбу мулкни тўлиқ қуриб фойдаланишга топширилмагунга қадар сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштирмаслик шарти билан эгалик ҳуқуқи белгилансин.
2. Фуқаро Саидов Аллашкур ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Тикувчилик цехи” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матяқубов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими** **О.Холбоев**